

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA KASABA UYUSHMALARI FAOLIYATIDA ZAMONAVIY AXBOROT- KOMMUNIKACIYA TEXNOLOGIYALARINI QULLASH

Набиев Зафар

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими mudiri

Кўчқоров Тохир Сафарович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси профессори
tkuchkarov60@gmail.com

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси тизимида рақамли технологияларни ривожлантириш соҳасида олиб борилган тадқиқот натижалари тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, соҳада рақамли иқтисодиёт шaroитида тизимда ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш йўналишлари таҳлил қилинган. 2021-2022 йилларда касаб уюшмалари Федерацияси тизимида АКТларини ривожлантириш соҳасидаги маълумотлар таҳлили қилинган ва тадқиқот доирасида хулосалар шакллантирилган.

Аннотация

В статье рассматриваются результаты исследования, проведенного в области развития цифровых технологий в системе Федерации профсоюзов Узбекистана. Также были проанализированы направления развития информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в системе в условиях цифровой экономики. В 2021-2022 годах проведен анализ данных в сфере развития ИКТ в системе Федерации профсоюзов и в рамках исследования сформированы выводы.

Abstract

The article discusses the results of research conducted in the field of development of digital technologies in the system of the Federation of Trade Unions of Uzbekistan. Also, the directions of development of information and communication technologies

(ICT) in the system in the context of the digital economy were analyzed. In 2021-2022, data analysis in the field of ICT development in the system of the Federation of Trade Unions was carried out and conclusions were formed within the framework of the research.

Калим сўзлар

рақамлаштириш, АКТлари, рақамли технологиялар, комплекс интеграллашган ахборот тизими, касаба уюшмалари ташкилотлари.

Ключевые слова

цифровизация, ИКТ, цифровые технологии, комплексная интегрированная информационная система, профсоюзные организации.

Keywords

digitization, ICT, digital technologies, complex integrated information system, trade union organizations.

Кириш

Ҳозирги кунда биронта вазирлик, муассаса, ташкилот ва корхонани бошқаришни АКТларисиз тасаввур қилиш жуда қийин. Раҳбар ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотни керакли даражага кўтариши ва уни бошқаришни такомиллаштириши учун замонавий технологияларнинг барча имкониятларидан фойдаланишга мажбурдир.

АКТлари ва улар ёрдамида ишлаб чиқиладиган ахборот тизимларининг афзаллиги шундан иборатки, ҳар қандай ахборотлаштириш объектида ҳар доим шу объектнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ва раҳбар ходимлар ва мутахассисларни, бошқа фойдаланувчиларни қизиқтирган ихтиёрий маълумотга тезкор эга бўлиш, жараён ва вазиятларни on-line мониторингини ташкил қилиш, ҳар турли бизнес-моделларни яратиш ва ҳисоб-китоб ишларини тўғри олиб борилишини таъминлаш ва уни назорат қилишни йўлга қўйиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-6079-сонли Фармонидаги вазифаларидан келиб чиқиб мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу боис мазкур вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2020 йил 11-ноябрдаги VIII Қурултойи қарори билан тасдиқланган 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларидаги асосий вазифалардан бири этиб - касаба уюшмалари фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш белгиланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини, бўлинмаларини ҳамда бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш

ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби, ходимлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда касаба уюшмалари учун қулай шарт-шароит ва кафолатлар яратиш Касаба уюшмалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ўз аксини топган [1].

Федерациясининг 2020 йил 11-ноябрдаги VIII Қурултойи қарори билан тасдиқланган 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларидаги асосий вазифалардан бири этиб - касаба уюшмалари фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш белгиланган [4].

Меҳнат бозори учун ИТ-технологияларнинг ривожланиши янги хавфларни ҳам, янги имкониятларни ҳам яратади. Рақамли инқилоб меҳнат бозорларига сезиларли таъсир кўрсатади, бироқ унинг таъсир даражаси иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида сезиларли даражада фарқланади, чунки замонавий рақамли ускуналар билан жиҳозланган янги иш ўринларини яратиш турли шаклларда бўлиши мумкин.

Шунга кўра, муаллиф ушбу жараённинг барча турдаги ишлаб чиқариш ва иш ўринлари учун оқибатларини тўғри ҳисоблашни жуда қийин деб ҳисоблайди. Бироқ, умумий ўзгаришларни қуйидаги йўналишларда аниқлаш мумкин:

- янги касбларни яратиш: янги тармоқлар, янги ишлаб чиқариш, янги хизматлар;

- иш жойини ўзгартириш: ИТ-технологияларни, компьютерлаштиришни, бошқарувнинг янги шаклларини жорий этиш;

- иш жойларини қисқартириш: автоматлаштириш, робототехника;

- малакавий силжишлар: ИТ-ускуналар, краудсорсинг (crowd sourcing);

- мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ресурсларни сафарбар қилиш, Интернет орқали товарлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятига эришиш (sharing' economy) [7].

С.И. Котова ўз тадқиқотларида касаба уюшмалари фаолиятини рақамли трансформацияси касаба уюшмалари аъзолари сонини нафақат сақлаб қолиш, балки кўпайтиришга ҳам имкон беради деб ҳисоблайди [8].

К.Л.Томашевскийнинг сўзларига кўра, рақамлаштириш касаба уюшмалари фаолиятини ижтимоий тармоқларга ўтказиш, онлайн консалтинг, онлайн касаба уюшма видеоконференциялари, иш жараёнининг қоғоздан электрон шаклига ўтишни назарда тутди [9].

Ҳозирги вақтда касаба уюшмаларининг экотизим ёндашувида асосланган рақамли трансформацияси муаммолари Россия ва хориждаги жамоат ва илмий доираларда фаол муҳокама қилинмоқда. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) интернет платформалари контекстида рақамлаштиришнинг жамоавий меҳнат муносабатларига таъсири бўйича тадқиқот ўтказмоқда [10].

Юқорида олиб борилган тадқиқотлардан кўриш мумкинки, улар томонидан мазкур мақолада кўтарилаётган рақамли трансформация каби муаммоларга етарлича эътибор қаратилмаган. Шу жиҳатдан ҳам, бугунги кунда рақамли трансформация каби муаммоларни илмий таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳозирги кундаги рақамлаштириш ҳолати, яратилаётган комплекс интеграллашган ахборот тизимининг технологик имкониятлари, архитектураси ва қўйилган масалаларни (жараёнларни) автоматлаштириш даражаси, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари билан боғлиқ жараёнларга рақамли технологияларни жорий этиш бўйича маълумотлар ёртиб берилган.

Таҳлил ва натижалар

Федерацияда кечаётган барча жараёнларни комплекс автоматлаштиришни таъминловчи Федерация комплекс интеграллашган ахборот тизимини яратиш ва касаба уюшмалари ташкилотлари барча бўғинларида жорий қилиш, ҳамда унинг ёрдамида касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларининг кундалик иш фаолиятини енгиллаштиришни таъминлаш.

Федерациянинг асосий мақсади унга аъзо ташкилотларнинг касаба уюшмалари аъзоларини ижтимоий-меҳнат ва фуқаролик ҳуқуқлари, ишлаб чиқариш, касбий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда мувофиқлаштириш, шунингдек, аъзо ташкилотларнинг умумий мақсадларига эришиш, умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, амалдаги қонунчилик доирасида уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашдан иборатдир.

Федерациянинг ходимларнинг бандлик, иш ҳақи, меҳнат муҳофазасига оид манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборат бўлган барча вазифалари Федерация Уставида батафсил ёритилган.

Федерация Уставининг I бандига биноан, Федерация - ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида касаба уюшмалари аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳамкорликда амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун бирлашган Ўзбекистон касаба уюшмалари, касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият юритувчи), тармоқ кенгашлари томонидан ихтиёрий асосда тузилган республика жамоат бирлашмасидир.

Федерация даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган нодавлат ноижорат ўзини ўзи бошқарадиган касаба уюшмаси ташкилотидир.

- Қуйидагилар Федерация органлари ҳисобланади:
- Федерация Қурултойи;
- Федерация Бош Кенгаши;
- Федерация Ижроия қўмитаси;
- Федерациянинг Назорат-тафтиш комиссияси.
- Федерация тизимида 14 тармоқ ва 14 та ҳудудий кенгаш, 34 мингдан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари мавжуд. Уларга 5,5 миллиондан ортиқ касаба уюшма аъзолари бирлашган.

Бугунги кунда Федерация аппарати, унинг бўлимлари, ҳудудий ва тармоқ кенгашларида рақамли технологияларни жорий этиш масаласи техник жиҳатдан

анча яхши йўлга қўйилган. Ҳар битта иш жойи замонавий компьютерлар ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминланган.

Алоҳида компьютерлардан ташқари Федерация ўзининг локал компьютер тармоғига ҳам эга ва бу тармоқ бугунги кунда такомиллаштирилмоқда ва кенгайтирилмоқда. Локал тармоқ ўз навбатида глобал тармоқ ҳисобланадиган Интернет тармоғига уланган бўлиб, касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларининг деярли барчаси бу глобал тармоқ хизматларидан фойдаланиш имкониятларига эга. Ички ахборот алмашинуви (асосан файллар алмашинуви) локал компьютер тармоғи асосида амалга оширилади ва бу жиҳатдан турли бўлимлар ва уларнинг ходимлари орасида ахборот алмашинувида муаммолар йўқ. Шунинг билан бирга таъкидлаш жоизки, ташкилотда кўплаб компьютерларнинг мавжудлиги, уларнинг деярли барчаси локал (ва глобал) тармоққа уланганлиги, файллар алмашинуви йўлга қўйилганлиги ташкилотда кечаётган жараёнларни автоматлаштириш даражасини белгилаб бера олмайди.

Амалдаги норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари ва бошқа раҳбарий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, касаба уюшмалари ташкилотларида АКТларини ривожлантириш масаласи тубдан қайта кўриб чиқилмоқда.

Бу масаланинг асосий ечими сифатида Федерацияда ахборот технологияларини ривожлантириш стратегик дастури ишлаб чиқилди.

Корхона ва ташкилотларни бошқарув тизимини ташкил қилишда, шу жумладан автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратишда кейинги пайтларда кўпчилик мутахассислар томонидан “жараёнли ёндашув” (“процессный подход”) энг самарали ёндошув эканлиги тан олинмоқда. Бундай ёндошув корхонани ISO 9000 (O’z DSt ISO 9000) серияли стандартлар асосида сифат менежменти тизимига ўтишига асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги пайтда ҳар қандай ташкилотни ривожланишини замонавий АКТларисиз тасаввур қилиш қийин. Раҳбар ходим ўзи бошқараётган ташкилот фаолиятининг бирон бир йўналишида қарор қабул қилиши учун унда ташкилот фаолияти билан боғлиқ бўлган ишончли маълумотларга тезкор эга бўлиш имкониятлари мавжуд бўлиши лозим. Буни эса ўз навбатида АКТларининг замонавий ютуқларисиз ва бу ютуқлардан самарали фойдаланишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Барча ташкилотларда бугунги кунда асосий эътибор комплекс интеграллашган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва улардан ташкилотни бошқариш жараёнларида самарали фойдаланишга қаратилмоқда. Чунки шахсий компьютерларни алоҳида олинган иш жойларида, ёки бўлмаса локал ҳисоблаш тармоққа уланган ҳолда ишлатилиши бугунги кун жамият ривожланиши талабларига тўлиқ жавоб бера олмай қолмоқда. Ташкилотда мавжуд барча жараёнларни қамраб оладиган, бир бири билан уйғунлашган дастурий-техник воситалар мажмуаси ва улар асосида яратиладиган марказлашган маълумотлар базаси, ҳамда бу маълумотларни қайта ишлаб ташкилот раҳбар ходимларига қарор қабул қилиши учун ўз вақтида ишончли маълумотларни етказиб турувчи ахборот-таҳлил тизимларигина бугунги кун талабларига жавоб бериши мумкин.

Шу жумладан Федерациянинг комплекс интеграллашган ахборот тизимлари ҳам замонавий дастурий-техник воситалар мажмуи бўлиб, Федерация миқёсида

унга аъзо бўлган барча ташкилотлар, ҳамда касаба уюшмалари ходимларини ягона ахборот майдонига бирлаштириши лозим.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотлари комплекс интеграллашган ахборот тизимлари ўзининг технологик имкониятлари, архитектураси ва қўйилган масалаларни (жараёнларни) автоматлаштириш даражасига мос ҳолда, шу турдаги ахборот тизимларини таснифлагичига асосан ERP (Enterprise Resource Planning – ресурсларни режалаштириш тизими) синфига мансуб тизимдир ¹. Бундай кўламдаги тизимларни яратиш, жорий қилиш ва унинг ҳар доим ишлашини таъминлаб бориш мураккаб ташкилий, технологик ва техник масала бўлиб, уни яратишни шошилмасдан, босқичма-босқич амалга ошириб боришни тақазо этади.

Шуни таъкидлаш жоизки: комплекс интеграллашган ахборот тизимнинг архитектураси; ташкилотнинг ташкилий тузилмаси; ташкилотда кечаётган жараёнлар – бу учаласи бир биридан қанақадир маънода мустақил бўлиши керак. Бунинг маъноси шундан иборатки, масалан, ташкилот таркибида янги биронта бўлимнинг пайдо бўлиши ёки бўлмасам бир нечта бўлимларнинг бирлашиши ахборот тизимининг архитектурасини тубдан ўзгаришига олиб келмаслиги керак. Ва, аксинча, ахборот тизимининг имкониятларини кенгайтириш ташкилотнинг тузилмасига ўзининг таъсирини кўрсатмаслиги керак, ҳамда ташкилотни фаолиятига янги бир фаолият қўшилган тақдирда бу нарса янги ахборот тизимини сотиб олишга (янгитдан ишлаб чиқишга) олиб келмаслиги керак. Бундай “мустақилликни” ва ҳар томонламаликни таъминлашнинг йўлларида бири ахборот тизимларини яратишда жараёнли ёндошувдир.

Юқорида келтирилган бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари (кейинги ўринларда - БКУТ) билан боғлиқ жараёнларга рақамли технологияларни жорий этиш ва бу масалани ҳал қилиш орқали БКУТни тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилишда ходимлар учун енгиллик ва қулайликлар яратиш, ҳамда юқори касаба уюшмаси органларига БКУТ фаолияти ҳақидаги ишончли маълумотларни тезкор етказиб туриш, Федерация тизимида АКТлари, ахборот тизимлари ва алоҳида дастурий воситалар ёрдамида амалга оширилиши лозим бўлган асосий масалалардан биридир.

БКУТ билан боғлиқ жараёнларнинг барчасида ахборот тизими марказий ўрин тутуди, яъни ҳар бир жараённи амалга оширишда мос интерактив хизматларга мурожаат қилинади. Жумладан, БКУТни тузиш жараёнида биринчи амал шахсий кабинет (ШК) очиш бўлса, кейинги қадамларда ШК орқали ахборот тизимига кириб БКУТни тузиш билан боғлиқ бўлган барча услубий қўлланмалар билан танишиш, керакли ҳужжатларнинг (мажлис баёнлари, иш режалари, ҳисобот шакллари ва ҳ.к.з. ларни) намуналарини олиш, уларни тўлдириш, маълумотлар базасида сақлаш, қайта ишлаш ва бошқа амалларни бажариш мумкин.

Юқоридаги келтирилган принциплар ва талабларга асосланиб, комплекс интеграллашган ахборот тизимининг умумий модели қуйидаги концепция асосида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир:

¹ “Ресурсларни режалаштириш” кўпгина манбаларда “ресурсларни бошқариш” деб ҳам келтирилади.

- барча манбалардан келаётган маълумотлар ягона марказлашган маълумотлар базасига йиғилиши ва сақланиши зарур;
- фойдаланувчиларга маълумотларни етказиш ҳам ягона марказлашган маълумотлар базаси орқали амалга оширилади;
- фойдаланувчилар учун интерфейс сифатида Web-технология хизмат қилади;

Касаба уюшмаларида кечаётган барча жараёнлар, уларни амалга ошираётган дастурий таъминотлар бевосита марказлашган маълумотлар базасига мурожаат қилади ва натижаларни ҳам шу базада сақлайди.

Ўз-ўзидан маълумки бу концепция ахборот тизимларини яратилишини ҳозирги кунда самарали ҳисобланган уч сатхли “клиент-сервер” технологияси асосида олиб борилади.

Бугунги кунда тизимнинг марказий маълумотлар базаси (ММБ)га киритилган маълумотлар статистикаси қуйидагича:

Касаба уюшмалари ташкилотлари фаолияти доирасида ишлатиш учун 523 677 та юридик шахслар ҳақидаги очиқ маълумотлар;

- 1062 та Федерация ташкилотлари;
- 49 та бошланғич касаба уюшмалари қўмиталари;
- 33490 та бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари;
- 858 та цех ташкилотлари;
- 10529 та гуруҳ ташкилотлари;
- 50960 та касаба уюшмасига аъзо ташкилотлар;
- 3,5 млн касаба уюшмаси аъзолари;
- 1933 та жамоа шартномалари;
- 19 та сихатгоҳлар;
- 212 та оромгоҳлар;
- 184 турдаги асосий воситалар.

Касаба уюшмалари ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни таҳлил қилиб ва умумлаштириб, ҳамда юқорида келтирилган умумий талаблардан келиб чиқиб, тизимга рақамли технологияларни жорий этиш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб борилиши мақсадга мувофиқ деб топилди:

барча жараёнлар учун умумий бўлган, шу жумладан юқори органлар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатларда кўрсатилган ахборот ресурсларини шакллантириш;

Федерация аппарати бўлимлари, тасарруфидаги ва аъзо ташкилотлар орасида ахборот алмашинувини таъминловчи “транспорт воситаси” ҳисобланган корпоратив тармоқни ва унинг марказий тугуни ҳисобланадиган маълумотларни қайта ишлаш маркази (“Центр обработки данных”)ни ишлаб чиқиш, ҳамда бу тармоқ асосида ички ва ташқи электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш;

молиявий ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш;

Федерациянинг асосий Устав мажбуриятлари ҳисобланган - меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, ташкилий ишлар, маданий-маърифий ва спорт

ишлари, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш ва бошқа жараёнларни автоматлаштириш;

Федерация раҳбарияти, ҳудудий ва тармоқ кенгашлари ва тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарларига, улар томонидан ўзларининг хизмат вазифалари доирасида асосланган қарорлар қабул қилишлиги учун тезкор ва ишончли таҳлилий маълумотларни етказиб турувчи ахборот-таҳлил тизимини яратиш;

Федерациянинг ахборот порталини тубдан янгилаш ва у орқали юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган интерактив хизматлардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Федерациянинг асосий эътибори, тизимда рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва улардан ташкилотни бошқариш жараёнида самарали фойдаланишга, касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принципларидан бўлмиш ошкоралик ва очиқликни таъминлашга қаратилмоқда. Шу боисдан, улар фаолиятини янада самарали ташкил этишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, тизимда касаба уюшмаларининг янги рақамли порталини ишга тушириш;

Иккинчидан, булутли технологиялар, катта маълумотлар омбори, маълумотларни таҳлил қилишнинг замонвий тизимларини ҳамда янги инновацион технологияларни жорий этиш лозим бўлади.

Мазкур рақамли технологияларни қўллаш касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ бўлган ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланувчиларга интерактив хизматлар кўрсатиш сифати ва тезкорлигини оширишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Касаба уюшмалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 06.12.2019 йилдаги ЎРҚ-588-сон. <https://lex.uz/docs/4631281>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4800657>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2020 йил 11-ноябрдаги VIII Курултойи қарори.
5. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Комплекс интеграллашган ахборот тизимини яратиш Концепцияси.
6. Аюпов Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистонда электрон бизнеснинг ривожланиш истиқболлари. -Т: Формат полиграф, 2016. - 205 б.
7. 2016.04.042. ДЕГРАЙС К. РАСПРОСТРАНЕНИЕ ИТ-ТЕХНОЛОГИЙ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА РЫНКИ ТРУДА. DEGRYSE С. Digitalisation of the economy

and its impact on labor markets. European trade union institute working paper. – Brussels: European trade union institute (ETUI), 2016. – 76 p.

8. Котова, С. И. Концепция трудовой занятости: цифровые профсоюзы, право на трудоустройство, абсолютное социально-обеспечительное отношений / С. И. Котова - Текст: непосредственный // Трудовое право в России и за рубежом. - 2018. - № 2. - С. 10-13. @@Kotova, S. I. The concept of employment: digital trade unions, the right to employment, absolute social security relations. Trudovoe pravo v Rossii i za rubezhom - Labor law in Russia and abroad, 2018, no. 2. pp 10-13 (In Russian).

9. Томашевский, К. Л. Цифровизация и ее влияние на рынок труда и трудовые отношения (теоретический и сравнительно-правовой аспекты)/ К. Л. Томашевский - Текст: непосредственный // Вестник Санкт-Петербургского университета. Право. - 2020. - №11(2). - С. 398-413. @@Tomashevsky, K. L. Digitalization and its impact on the labor market and labor relations (theoretical and comparative legal aspects). Vestnik Sankt-Peterburgskogo universiteta. Pravo-Bulletin of St. Petersburg University. Right, 2020, no. 11(2), pp. 398-413 (In Russian).

10. Johnston H., Land-Kazlauskas C. Organizing on-demand: Representation, voice, and collective bargaining in the gig economy. Geneva: ILO. 2019. 54 p. @@Johnston H., Land-Kazlauskas C. Organizing on-demand: Representation, voice, and collective bargaining in the gig economy. Geneva: ILO. 2019. 54 p.